Талаба тадқиқоти

## КИЧИК БИЗНЕС ИШСИЗЛИККА ҚАРШИ

**Бу муаммо кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш эвазига барҳам топмоқда**

***Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатнинг ижтимоий сиёсати аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашни ҳам ўз ичига олади. Айниқса, аҳолининг ўсиши юқори суръатга эга бўлган бизнинг республикада иш билан бандлик масаласи энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.***

Иш билан бандлик масаласини ҳал этиш учун республикамизда бир қаторислоҳотлар, тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунга мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида давлат микёсида амалга оширилаётган ислоҳотлар яққол мисол бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ юртимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва рағбатлантиришда изчил давлат сиёсати олиб борилиб, муайян ижобий натижалар қўлга киритилмоқда.

Айни кунга келиб кичик бизнесда янгидан ташкил қилинган иш ўринларининг улуши 91,7 фоизга тўғри келиб, ушбу кўрсаткич баъзи вилоятларда, масалан, Сирдарёда 97,1 фоиз, Бухорода 96,3 фоиз ва Хоразмда 95,0 фоизга тенг. Қашқадарёда эса фермер ва деҳқон хўжаликлар ривожланиши ҳисобидан янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Кичик бизнеснинг ривожланиши жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки ишсизлик муаммосининг ҳал этилиши маҳалла фуқаролар йиғинларида нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки маънавий-тарбиявий йўналишдаги тадбирларни амалга оширишда қўл келади, ҳар бир тадбиркор ёки кичик корхона ўзи жойлашган ҳудуддаги маҳалла йиғинини ҳомийлик нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлайди.

Умуман республика бўйича янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш, фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарини ишчи кучи билан таъминлаш ва иш ўринларини кенгайтириш ҳисобига ўн минглаб янги иш ўринлари яратилди. Натижада нодавлат тармоғида ишловчилар сони ўтган йилгига нисбатан республикамиз бўйлаб 323,2 минг кишига кўпайди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласида аксарият янги иш ўринларини қишлоқ жойларда ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир. Ушбу йил бошида республикамизда 129,7 минг янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, унинг 96,7 мингтаси, яъни 74,6 фоизи қишлоқ жойларда яратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,2 мингга кўпдир. Энг кўп янги иш ўринлари Қашқадарё (17,7 мингта) ва Фарғона вилоятларида (15,6 мингта) ташкил этилди. Айтиш жоизки, юртимизда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш асосан кичик бизнеснинг ривожланиши, хусусий сектор ҳисобига амалга оширилмоқда. Демак, юртимизда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

**А.ҲОШИМОВ, М.МУТАЛИПОВА.**
**Тошкент Молия институти талабалари.**

Вилоят сайлов комиссиялари фаолиятидан

**Қашқадарё вилояти**

# ТАНЛАШ ИМКОНИЯТИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ТАМОЙИЛИ

***Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида ўта муҳим сиёсий воқеа — шу йилнинг декабрь ойида бўладиган Парламент ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик қизғин паллага кирди. Мухбиримиз шу муносабат билан Қашқадарё вилояти сайлов комиссияси раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Мирзо ТУРСУНОВ билан учрашиб, сайловларга тайёргарликнинг бориши, бу галги сайловларнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида суҳбатлашди.***

**— Суҳбатимиз аввалида сайловларга тайёргарлик билан боғлиқ ишлар ҳақида тўхталсангиз.**

— Ҳозирги кунга қадар вилоятда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 10 та, вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 59 та сайлов округларининг чегаралари белгиланиб, округ сайлов комиссияларининг таркиблари тасдиқланиб, комиссияларга биноан ажратилиб, улар ўз фаолиятини бошлашди. Шунингдек, 5 та сиёсий партиянинг аризалари кўриб чиқилиб, сайловга қатнашиш учун уларга ижозат берилди.

Шу кунларда сиёсий партиялар депутатликка номзод танлаш ва уларни белгиланган тартибда кўрсатиш ишлари билан шуғулланишмоқда. Республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сайлов округлари ўз ҳудудларида сайлов участкаларини ташкил этиб, уни маҳаллий матбуотда эълон қилишмоқда. Мазкур сайловларда вилоятимиз ҳудудида 724 та сайлов участкаси ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Хуллас, вилоят сайлов комиссияси томонидан бу йилги сайловларнинг қонуний ўтиши учун барча зарурий чоралар кўрилмоқда.

**— Сайловларда фуқароларнинг онгли равишда иштирок этишлари, уларнинг танлаш ҳуқуқларидан тўла фойдаланишларини таъминлаш учун нималарга эътибор қилиш зарур деб ҳисоблайсиз?**

— Сайловлар одамларга мамлакат ва халқни бошқаришда фаол иштирок этиш учун бериладиган танлаш имкониятидир. Ҳамма гап сайловчиларнинг номзодлар орасидан муносибини танлай билишларида. Демократик жамиятда сайловлар пайтида номзодлар томонидан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ишлари жараёнида сайловчини нотиқнинг маърузаси моҳиятини тушуниб оладиган даражада тайёрлаш лозим. Илгари сайловлар арафасида номзодлар баландпарвоз, лекин амалга ошмайдиган ваъдалар билан сайловчиларнинг кўнглини олишар эди. Депутатнинг вазифаси кўчага асфальт ётқизиш ёки ичимлик суви келтиришда эмас, ана шунга замин яратадиган, мутасаддиларга вазифа юклайдиган қонунлар яратиш ва қабул қилишдан иборатдир. Ўз навбатида бу ҳол депутатни одамларни ташвишга солаётган катта-кичик муаммолар устида бош қотириш масъулиятидан ҳам озод этмайди.

Сайлов участкасига овоз бериш учун келаётган фуқаро, шу каби масалаларда жон куйдирадиган фидойи номзодларни танлай олиши керак. Сайловчи ўзи овоз бераётган номзодни яхши билиши ва унинг тафаккурига баҳо бера олиш қобилиятига эга бўлмоғи даркор. У сайлаётган депутат парламентда, хусусан, Қонунчилик палатасида маълум масала юзасидан овоз бераётиб, минглаб, миллионлаб одамлар ҳаётига таъсир этиши мумкинлигини, депутат қўлидаги лойиҳа қонун лойиҳаси эканлиги, қонун қабул қилинганидан кейин мамлакат, халқ тақдирида катта рол ўйнашини ҳис қилиши талаб этилади.

**— Касб тақозоси билан турли тоифадаги одамлар орасида бўлганимизда жамият ҳаётига, кундалик турмуш кечмишларига оид гап-сўзлар билан бирга фуқароларнинг сайловда қатнашиб, овоз беришда иштирок этишлари ихтиёрийми ёки мажбурийми, деган саволга ҳам кўпинча дуч келинади. Бунга сиз нима дейсиз?**

— Мамлакатимизда, жаҳоннинг аксарият демократик давлатлари қаторида, сайловчиларнинг овоз бериш эркинлиги қонун йўли билан кафолатланган. Яъни, ҳар бир сайловчи сайловларда ихтиёрий равишда иштирок этади. Мазкур қоида инсон ҳуқуқлари ва сайловларга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўла мувофиқ келади. Бироқ овоз бериш мажбуриятини юклашнинг ўзига хос объектив сабаблари мавжуд.

Шу азиз Ватанимизнинг келажаги учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни ҳисобга олсак, сайловларда иштирок этиш ҳар биримизнинг маънавий бурчимиз эканлигига амин бўламиз. Шу маънода жамиятдаги сиёсий жараёнда фаол иштирок этишимиз, албатта, мамлакат тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилишини ёддан чиқармаслигимиз керак.

**— Сайловларнинг юксак уюшқоқлик билан ўтиши, сайловчиларнинг фаоллигини таъминлаш учун яна қандай тадбирларни амалга ошириш керак, деб ҳисоблайсиз?**

— Назаримда, биз энг аввало сайловнинг моҳияти, уни давлатимиз ва халқимиз учун аҳамиятини сайловчиларга тўғри етказа билишимиз, бунинг учун эса сайлов ташвиқотини талаблар даражасида олиб бормоғимиз лозим. Бўлажак сайловларни муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимият органларининг ташкилий ишларни нечоғли ташкил этишларига боғлиқ. Улар катта тайёргарлик ишларини амалга оширишлари, энг аввало, ўз ҳудудларидаги сайловчилар сонини аниқлашга жиддий қарашлари керак. Бironта ҳам аҳоли пункти улар назаридан четда қолмаслиги керак. Энг чекка ва узоқда яшовчи сайловчилар ҳам рўйхатга киритилиши ва сайловда қатнашишлари лозим. Сайлов округлари ва участкаларига бино, транспорт ажратиш, уларнинг фаолият юритиши учун етарли шароит яратиб бериш бугуннинг асосий вазифасидир. Табиийки, сайловнинг уюшқоқлик билан ўтиши кўп жиҳатдан сайлов участкасида яратилган шароит ва сайлов комиссиясининг фаоллигига боғлиқ. Участка сайлов комиссияси раиси ва унинг аъзоларини халқ ҳурматига сазовор бўлган, меҳнаткаш, фидойи, ҳалол-покиза инсонлардан танлаш керак. Сайлов участкаларини ташкил этишда сайловчилар сони меъёрига риоя қилиш, сайлов қиш ойида бўлишини эътиборга олиб, сайлов участкаси учун иссиқ ва ёруғ хоналар ажратиш, унга борадиган йўлларини асфальтлаш, доимий телефон алоқасини таъминлаш, сайлов участкасига сайловчиларнинг бориши учун транспорт ажратиш, сайлов округ ва участкаларни қўриқлаш, савдо ва тиббий хизмати, округ ва участкаларда давлат байроғи ва герби бўлишини унутмаслигимиз лозим. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, ҳар бир корхона, ташкилот сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга боғлиқ ўз тадбирларини ишлаб чиқиб, унга амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва унинг учун масъул шахсларни белгилаб, ижросини узлуксиз назоратга олишлари зарур.

**Суҳбатдош: Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.**

Муштарий билан мулоқот

# "MAHALLA" МАСЛАҲАТГЎЙИМИЗ!"

## дейишди ўзаро мулоқот чоғида муштарийларимиз

***Пойтахтимизда "Mahalla" ва "Тошкент оқшоми" газеталари кириб бормайдиган маҳалла фуқаролар йиғини йўқ десак, муболаға бўлмайди. Шу ўринда таҳририят вакилларининг муштарийлар билан юзма-юз учрашуви эса ҳар икки томон учун ҳам фойдадан холи эмаслиги шубҳасиз.***




Шундай учрашувларнинг яна бири яқинда "Маҳалла" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Ҳамза тумани бўлинмаси ташаббуси билан ташкил этилиб, унда "Mahalla" ҳамда "Тошкент оқшоми" газеталари таҳририяти вакиллари ва тумандаги маҳаллалар оқсоқоллари, ходимлари, фаоллари юзма-юз мулоқотда бўлдилар. Ушбу учрашув Ҳамза туманидаги қурилиш касб-ҳунар коллежи биносида ўтди ва коллеж талабалари ҳам унда фаол қатнашдилар. Мулоқот айни кунда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги долзарб масалалар юзасидан кечди. Хусусан, учрашув иштирокчилари юртимиз ҳаётида рўй беражак катта сиёсий воқеа — икки палатали парламентга сайловларни ташкил этиш юзасидан қизғин фикр алмашдилар. Шунингдек, ёшларни тўғри тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда фаоллигини ошириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига барҳам беришга эришиш борасида маҳаллаларда йўлга қўйилган тарбиявий тадбирлар самарасини оширишда, умуман, соғлом турмуш тарзини ташвиқ этишда оммавий ахборот воситалари, айниқса, "Mahalla" ва "Тошкент оқшоми" газеталарининг ҳиссаси катта бўлаётганлиги муштарийлар томонидан алоҳида эътироф этилди. Ҳар икки газетанинг келаси йилдаги режалари, обунани кўнгилдагидек ташкил этиш юзасидан таҳририят вакиллари билдирган таклифлар муштарийларда катта қизиқиш уйғотиб, улар ҳам ўз навбатида турли таклиф ва мулоҳазалар билдирдилар.



**СУРАТЛАРДА: қизиқарли баҳс-мунозаларга бой ўтган учрашувдан лавҳалар.**
**Ҳ.Солиҳов олган суратлар.**

— Оқсоқол сифатидаги кўп йиллик фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, газеталар, айниқса, "Mahalla" газетаси маҳалла тизимида ишлаётган ҳар бир ходимнинг энг ҳозиржавоб маслаҳатгўйи экан, — дея фикр билдирди Янгиобод маҳалласи оқсоқоли Хурсанали Ҳожиаҳмедов. — Маҳалламиз ҳаётидаги катта-кичик муаммолардан тортиб мамлакатимиз миқёсидаги масалаларда ҳам газета саҳифаларидан тўғри жавоб топиш мумкин. Энди газеталарнинг ҳар бир оилага, хонадонга кириб боришига эришсак, фуқароларимизнинг ҳар бир йўналишга доир билимларини оширишга, дунёқарашларини бойитишга имкон бўлар эди.

Тадбирда, "Маънавият ва маърифат" Маркази Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ва Ҳамза тумани ҳокимлиги вакиллари ўз таклиф ва фикрлари билан қатнашдилар.

**МУХБИРИМИЗ**

**Жиззах вилояти**

Қарс икки қўлдан...

***Зафаробод туманидаги Охунбобоев номли агрохизмат марказида меҳнат қилаётган фермерларнинг пахта сотиш бўйича шартномавий режани ошиғи билан бажаришларида шу ҳудуддаги Ёркин қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллаларда яшовчи кишиларнинг ёрдами катта бўлди. Теримда маҳалланинг 2659 нафар фуқароси иштирок этди. Қўлни қўлга бериб қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Бир неча йилдан бери режани бажармай келаётган хўжаликнинг юзи ёруғ бўлди.***

## ЁРҚИНЛИКЛАР ЁРДАМИ

— 50 та ночор оилага хўжалик далаларида етиштирилган ғалла ҳосилидан бердик. Ҳар бир фермерга иккитадан моддий ёрдамга муҳтож оилаларни бириктидик. Байрам ва маросимларда маҳалла аҳли учун тантаналар ташкиллашга кўмаклашдик, — дейди марказ раҳбари Ҳамробой Исматов. — Фақатгина пахта сотишдан 1 миллиард 100 миллион сўм соф даромад оламиз. Бу маблағнинг бир қисмини ҳудудимиздаги Аҳмад Жавлонов номли маҳаллани обод ва кўркам этишга сарфлаймиз.

Туманда хўжаликлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган шу каби маҳаллалар анчагина. Зафаробод шаҳарча фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллалар ҳам терим мавсумида фаол иштирок этдилар. Айниқса, фермерларга оилавий тарзда ёрдам берувчиларнинг сафи кенгайди. Қилинган меҳнат учун яхши даромад ҳам олинди. Йиғин котиби Аҳмад Яманқуловнинг айтишича, ўнлаб оилалар мавсумда 8-10 тонналаб пахта териб бердилар. Саъдулла Синдоров номли агрохизмат маркази жамоаси бу ёрдам учун маҳаллаларнинг хайрли тадбирларига яқиндан кўмак беришга қарор қилди.

**Пардабой ТОЖИБОЕВ,**
**"Mahalla" мухбири.**

Инсон ва унинг тақдири

# КЎНИКМА МАРКАЗИ

## у ерда кимлар, нимага кўникадилар? Унинг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги қандай?

***Бу янги соҳа, янги хизмат тури бўлгани учун кўпчилик ишимиз мазмун-моҳиятини даъфатан тушунмай, сизлар нима билан шуғулланасизлар, деб сўраб қолади. Уларга муқаддам судланган, жазо муддатини ўтаб келган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга мослашувига кўмаклашамиз, деб жавоб берганимизда "Ишларингнинг турган-битгани савоб экан-ку" дейишади.***

Ҳозирги кунда вилоятимизнинг 4 та шаҳар ва 15 та туманида ижтимоий кўникма Марказлари ҳокимликлар ҳузурида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятимиз бўйича ҳар йили ижтимоий кўникма Марказларига муқаддам судланган шахслар турли масалалар бўйича мурожаат қилишади. Уларга давлатимиз томонидан ажратилган ва бир йўла бериладиган энг кам ойлик иш ҳақининг олти баробари миқдоридаги моддий ёрдам пулини бериш, ишга йўллаш, лозим бўлса даволанишга юбориш, паспорт олишга, пенсия ёки ўқишини тиклашга кўмаклашиш, уй-жой муаммосини ҳал этиш керак. Лекин бу ишлар ҳамма вақт ҳам осонликча, бир-икки кун ичида ҳал этилавермайди. Бу йўлда кўплаб қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келади. Шу боис фаолиятимизни юқоридаги ишларга дахлдор ташкилот, муассасалар билан яқин ҳамкорликда ташкил этишга ҳаракат қиламиз. Шундай пайтда ички ишлар, меҳнат-бандлик, соғлиқни сақлаш бўлимлари, "Маҳалла" жамғармаси туман ва шаҳар бўлинмалари, шаҳарча, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари бизнинг яқин ҳамкорларимиз ҳисобланадилар. Масалан, жазони ўтаб қайтган шахснинг оилавий шароитини ўрганиб, унга моддий ва маънавий ёрдам бериш, иш билан таъминлаш каби вазифаларни ўзини ўзи бошқариш органлари ёрдамисиз ҳал этиб бўлмайди. Вилоятимиздаги барча қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва уларнинг фаоллари бу соҳада бизга ҳар томонлама амалий ёрдам бериб келяптилар.

Шу йилнинг ўтган даври ичида кўникма Марказларига мурожаат қилганларга 59 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди, 550 киши иш билан таъминланди, мутлақо уй-жойсиз 10 киши яшаш жойига эга бўлди ва юздан ортиқ муқаддам судланган шахсларга белгиланган тартибда паспорт олишга кўмаклашилди. Бу соҳада Фарғона шаҳри (раҳбари Абдуқодир Раҳимов), Фарғона тумани (раҳбари Элёржон Жумабоев), Боғдод тумани (раҳбари Муаззамхон Умарова), Учкўприк тумани (раҳбари Носиржон Тўйчибоев) кўникма Марказлари фаолияти диққатга сазовордир.

Ҳеч кимга сир эмас, жазони ўташ жойидан қайтган шахсларни бирон корхона ёки ташкилот жамоаси, унинг раҳбари қучоқ очиб кутмайди. Ҳатто маҳалла-кўй орасида ҳам уларга ишончсизлик билдирадиган маҳаллалдошлар топилади. Кўпинча мана шу ҳолат жиноят содир этгани учун тавбасига таяниб, бундан буёғига соғлом ҳаёт кечиришга аҳд қилган кишини умидсизликка солади. Тушкун кайфият эса яна жиноятга етаклаши мумкин.

Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ташкилот, корхонанинг ётоқхонасида бўш ўринлар бўлишига қарамай, айрим раҳбарлар "панжара ортидан келган" шахсларга бошқача назар билан қараб, уларни бу ерга жойлаштиришга қаршилик кўрсатадилар. Шундай пайтларда юқори орган ва прокуратура ходимлари аралашишга мажбур бўлади. Масалан, яқинда вилоят ҳокимлиги, тегишли ташкилотларнинг аралашуви билан Қиргули мавзесидаги "Азот" ишлаб чиқариш бирлашмаси ётоқхонасидан 20 га яқин ўрин ажратиб берилди. Қўқон шаҳар ҳокимлиги корхоналар ётоқхоналаридан фойдаланишимизга амалий ёрдам кўрсатиб келяпти.

Мана шундай пайтларда ҳурматли Юртбошимиз томонидан 2004 йил бежизга Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинмаганлиги, унинг замирида қанчадан-қанча инсонийлик, бағрикенглик, эл-юрт, ҳатто айрим тоифадаги инсонларга ҳам меҳр-мурувват кўринишлари борлиги ҳақида ўйлаб қоласан киши.

**Музаффар МАМАТҚУЛОВ,**
**Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма Маркази раҳбари ўринбосари.**

Жамғарма бўлинмалари фаолиятидан

**Андижон вилояти**

# "МАҲАЛЛА" МАҲАЛЛАЛАР МАЛҲАМИ

***Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармасининг ташкил этилганига 12 йил тўлди. Ана шу қисқа давр ичида унинг фаолияти анча такомиллашди. Ўзини ўзи бошқариш тизими тараққиёти, фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида қатор хайрли ишлар қилинди. Шунингдек, жамғарманинг бўлим ва бўлинмаси халқ орасига кириб, фуқароларнинг ишонч ва эътиборини қозонди.***

"Маҳалла" жамғармаси Булоқбоши тумани бўлинмаси жамоаси ҳам айни кунга келиб ўз фаолиятини янада самаралироқ бўлишига ҳаракат қилиб келмоқда. Туман ҳокими М.Раҳимов бўлинмага яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Унинг ташаббуси билан тумандаги мавжуд 37 та маҳалла фуқаролар йиғинлари учун бинолар ажратилиб, қайта таъмирланди, янгидан бунёд этилди. Боз устига, йиғин идораларини жиҳозлаш, замонавий алоқа ва техник воситалар билан таъминлаш жойлардаги ҳомий ташкилот ва корхоналар ҳамда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан амалга оширилди.

Меҳр-мурувват, саховат тушунчалари инсон қалбини гўзаллик билан уйғунлаштиради. Қаерда ана шу туйғулар намоён бўлса, ўша ерда ўксиклик, муҳтожликни кўрмайсиз. Туманимизда ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар мавжуд. Уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида бўлинмамиз томонидан алоҳида дастур ишлаб чиққанмиз. Ана шу дастур асосида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳомий ташкилотлар ёрдами билан ана шундай инсонларнинг 35 нафарини ногиронлик аравачаси, 70 нафарини таянч ҳаракат воситалари билан таъминладик.

Эҳтиёжманд инсон Муножатхон Маматумарованинг фарзандини даволатиш учун бўлинмамиз томонидан 400 минг сўм маблағ ажратилиб, хориж шифокорлари ҳузурига юборилди. Шунингдек, гуруҳ ногиронлари — Т.Абдурасулов, М.Эргашев, А.Отабоевларга, боқувчиси бўлмаган С.Ғойипова, У.Қурбоноваларга ҳамда 165 нафар кам таъминланган оилаларга 2 миллион сўм миқдорида мурувват ёрдами берилди.

Туманда болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам талай ишлар амалга ошириляпти. Чунончи, туман ҳокими билан ҳамкорликда Жўраполвон номли ширкат хўжалиги ҳудудида ўйингоҳ қуриб битказилди. Т.Раҳимов номли ширкат хўжалигида ҳам ана шундай маскан ишга туширилиши арафасида. Бундан ташқари, маҳалларадаги мавжуд спорт иншоотлари замонавий спорт анжомлари билан таъминланди. 1500 дан ортиқ ёшлар спорт тўгаракларига жалб этилди.

Биз ҳар ҳафтада тумандаги маълум бир маҳаллада бўлиб, аҳоли орасидаги камчилик ва муаммоларнинг фуқаролар йиғинлари томонидан ҳал қилиниши, коммунал тўловлар ҳаққининг ўз вақтида тўланиши, ҳудудда фуқаролар учун яратилаётган шарт-шароитларни назорат қиламиз. Бундан ташқари, қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳар ойда бир марта "Меҳр куни"ни ташкил қилиб, унда муҳтож, ночор оилаларга мурувват кўрсатамиз.

Таъкидлаш жоизки, бундай саъй-ҳаракатларимиз ўзининг ижобий натижасини бераяпти, ҳудудда эҳтиёжманд инсонлар турмушини бир қадар яхшилашга эришдик. Бу эса Меҳр ва мурувват йилида амалга оширилиши лозим бўлган хайрли ишларнинг, долзарб вазифаларнинг амалдаги ифодаси.

**А.ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Маҳалла" жамғармаси Булоқбоши тумани бўлинмаси раиси муовини.**

Хоразм вилояти

Маҳалладош саховати

# ХОСИЯТЛИ ҚИШЛОҚ

## “Шундай меҳр-муҳаббатли одамларнинг ери буғдойга кон бўлсин!”

***...Қадимда Гандимён қишлоғида икки оға-ини яшаган экан. Бири серфарзанд, яна бири ҳали уйланмаган йигит. Буғдой ўрими тугалланиб, хирмон кўтарилгач икки оға-ини ҳосилни тенг бўлишибди. Бироқ катта акаси кечқурун уйғониб “Укам ҳали уйланмаган, тўй қилиши керак. Шунинг учун унинг улуши кўпроқ бўлсин!” деб укасининг буғдойига ўзиникидан қўшиб қўйибди.***

Тонгга яқин укаси уйқудан барвақт туриб, “Акам серфарзанд, шунча бола-чақани боқишнинг ўзи бўладими?” деган хаёлда у ҳам ўз улушидан оғасиникига қўшиб қўйибди. Шунда ғойибдан садо келибди: “Шундай меҳр-муҳаббатли одамларнинг ери буғдойга кон бўлсин!” Икки оға-инининг холисона оқибатидан далаларда буғдой барқ уриб ўсиб, ҳар йили ҳосил мўлкўл бўлибди. “Гандим” — буғдой деган маънони англатади. Унинг ёнига энди “кон” сўзи қўшилиб, “Гандимкон” сўзи оғиздан-оғизга ўтиб юравериб Гандимён тарзида ифода қилинадиган бўлибди.

Ана шундай хосиятли қишлоқда туғилиб ўсган Собиржон Солаев буғдой ва пахта ҳосилидан олган даромади ҳисобига қишлоқда спорт иншооти қуришни ният қилган эди. Фойдаланилмай ётган эски клуб биносини сотиб олиб, уни қайта таъмирлаб, спорт залига айлантириш тараддудида юрган пайти бевақт ҳаётдан кўз юмди. Бироқ бошланган хайрли иш қолиб кетмади. Марҳумнинг укаси Раҳимберган ва набираси Мақсудбек бу хайрли ишни ниҳоясига етказдилар. Қишлоқ марказидаги клуб бутунлай қайта таъмирдан чиқарилиб, уни қишлоқ ёшлари спортнинг етти тури билан шуғулланадиган ажойиб саройга айлантиришди. Спорт саройининг очилиш куни қишлоқ ҳудудидаги Отабек Саъдуллаев раҳбарлик қилаётган Бобо Нуруллаев номли деҳқон фермерлар уюшмаси пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режасини бажарди. Қўша қувонч муносабати билан элга ош тортилди.

Спорт саройига ана шу кошонани фойдаланишга топширишни ният қилган улуғ инсон Собиржон Солаевнинг номи берилди. Шу куни унинг хотирасига миллий кураш бўйича беллашув ҳам ўтказилди.

**Абдулла САФОЕВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

Бизга қандай кайфият керак?

Ҳамид НОРҚУЛОВ

# “НИМА, БИТТА МЕНГА КЕРАКМИ?”

## Бу кайфиятдан ким ютади?

***Фарғонада бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияда бир сўз янгради. Унинг мазмуни шундай, мавжуд ачинарли аҳволни кўриб ҳафсаласи пир бўлган баъзи қуйи раҳбарлар “Нима, бу битта менга керакми?” деган кайфиятга тушишади. Муҳитнинг бузилиши эса ана шундай ишга лоқайд муносабатдан бошланади.***

Бу оддий хулосани эшитиб ўйланиб қоласан, киши. Дарҳақиқат, бундай кайфият нафақат баъзи раҳбарларда, балки кўпчилигимизда борлигига шубҳа йўқ.

Бир маҳаллада бўлган йиғилишда оқсоқол ижтимоий масалалар билан боғлиқ муаммолар ҳақида куйиниб гапирар экан, бу ишга юқори ташкилотларнинг аралашуви зарурлигини, уларнинг бир оғиз сўзлари билан ишни силжитиш мумкинлигини айтди. Ваъдалар берилди, шу ердаёқ тегишли раҳбарларга топшириқлар уқтирилди. Афсуски, ундан нарига ўтилмади. Кейинчалик эса шу оқсоқол туман миқёсидаги йиғилишларнинг бирида яна ўша муаммоларни кўтарди, ёрдам сўради. Яна ваъда, яна топшириқ ва яна... иш бошланмади. Оқсоқол қўлини ювиб, қўлтиғига урди. Унинг “э, менга нима, ўзим учун сўрадимми ё фақат менга керакми?” деган кайфиятда ишдан кўнгли совиди.

Бундай ҳодисалар ҳаётимизда тез-тез учраб туради, сиз билан бўлмаса, бошқа биров бу кайфият билан яшаётганлиги сир эмас. Хўш, бу кайфиятдан қутулишнинг қандай йўли бор ёки ундан қачон фориғ бўламиз? Албатта, саволга бир оғиз сўз билан ёки буйруқ билан жавоб бериш мумкин бўлганда эди, бу муаммони достон қилиб ўтирмасдик.

Мана шу “битта менга керакми?” деган кайфият болаларимиз тарбиясига ҳам катта таъсир ўтказаётганлигини ё тушуниб етмаймиз, ё тушунишни хоҳламаймиз. Негаки, феълимиздаги бу лоқайдлик эртага болаларимиз феълида ҳам томир отмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди.

Мен бир воқеани кўп ўйлайман. Қишлоғимизда Даврон ака деган бир куюнчак одам бор эди. Баҳор пайтлари ҳар бир хонадонга сув келадиган ариқни тозалатиш учун ростмана “тўпалон” қиларди. Кимдир унга қулоқ осиб кетмонини кўтариб ҳашарга чиқар, кимдир эса “сенга нима, нега тўпалон қиласан”, деб унинг юзига солишарди. Шу одамнинг ҳаракати билан 5-6 йил кўчадан ўтган ариқларимиз тоза, равон бўлиб оқди. Умрининг охирги йиллари эса чарчадими, бу ишга бош қўшмай қўйди.

Ариқлар эса тўлиб, ён четлари ўт, ахлатларга тўлиб бораверди. Яқинда қишлоқда бўлиб ўтган бир маслаҳат ошида, кексалар бу одамнинг ишини эслаб, унинг ҳақига дуо қилишди ва шу ерда ўтирган ўғлига “отанг шундай савоб ишни бошлаган эди, сен шуни давом эттирсанг ёмон бўлмасди”, дейишди. Жавоб эса кутилмаган ёз ёмғиридай бўлди.

— Отам ҳаммага ёмон кўриниб, соғлиғини йўқотди. Нима, битта менга керакми, мана бошқалар ҳам ўтирибди. Бошласин, биз ҳам эл қатори чиқамиз.

Даврада бошқа гапга ҳожат қолмади. Шу кайфият савоб ишни бошлаб ва одамлардаги лоқайдликни кўриб ҳафсаласи пир бўлган отадан ўғлига ўтганлигига ким ишонмайди, дейсиз.

Ёки бошқа бир мисол. Бир корхонанинг раҳбари охирги пайтларда босар-тусарини билмай, манманликка, одамларни беҳурмат қилишга ўрганди. Ҳамма буни сезиб турибди, айтадиган одам йўқ. Ўзаро маслаҳат бўлади, йиғилишда айтамиз деб, лекин охирги дақиқада ҳамма жим. Шу одам ишдан урилиб, пешонаси “тақ” этиб деворга урилганда “шунча камчилигим бор экан, наҳотки юзимга айтадиган одам топилмади” деб армон қилибди. Шу гапнинг тагида ҳам “битта менга керакми?” деган одамларнинг кайфияти ётибди, тўғрими?

Шу биргина сўзнинг эса минг битта қирралари бор. Масалан, “битта менга керакми?” деган кайфият “сен менга тегма, мен сенга тегмайман” деган кайфиятни бошлаб келади. Натижада виждонли одамлар ҳам шаштидан қайтади, бефарқ ва совуққон бўлиб қолади. Жамиятимизнинг бугунги ривожланишида эса бу жуда катта зарар келтиради. Юрт иши учун, Ватан тақдири учун қайғурадиган фидойи инсонлар сафи эса кўпаймайди ва ўз-ўзидан ривожланиш бўлмайди.

Бугун давлатимизнинг юксак қудратга ва салоҳиятга эга бўлишида феълимиздаги бундай қусурлардан қанча тез қутулмасак, ташаббус, ғайрат билан бу лоқайдликни ўлдирмасак мустақилликни ҳам тўла англаб етмаймиз.

Мустақиллик — улуғ неъмат. Уни фақат фидойи инсонлар вояга етказади, уни иродаси мустаҳкам, иймони бутун одамлар авайлайди. Ўз қобиғимизга ўралашиб, ўзимизнинг тинчимизни ўйлаб, ҳаловатимизни бузмасак бу юртнинг қаддини биров келиб кўтармайди.

Шу юртга бугунги фидолигимиз фарзандларимиз келажагига, эртанги кунимизга қўйилган мустаҳкам пойдевор бўлади.

“Нима, битта менга керакми?” деган кайфиятни мана шу фидойиликлар енгади ва ҳар бир воқеага холисона баҳо беришда “шу менга керак!” деган эътиқодни шакллантиради.



Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

**Ўригидан данаги ширин деганларидек, бувижонлар ҳамиша набиралар учун меҳрибон, жонкуяр кишилар бўлади. Ўз навбатида болажонлар ҳам бувию бувижонларига ўзгача меҳр қўядилар.**

**Омон ШУКУРОВ,**
**“Mahalla” мухбири.**

Сурхондарё вилояти

***Олтинсой тумани марказидан 40 километр узоқликда, Ҳисор тоғ тизмалари бағрида Вахшивор қишлоқ фуқаролар йиғини жойлашган. Қишлоқ аҳли меҳнаткаш. Улар лалми ерда деҳқончилик қилишади, кенг адирликлардан ер очиб, ғалла, нўхат, зиғир етиштиришади. Ҳосилдорлик йилдан йилга мўлжалдан ошади. Шу боисдан ҳам қишлоқ йиғини ҳудудидаги Вахшивор, Зарбдор, Қўшчинор ширкат хўжаликлари туманда илғорлардан саналади. Узум, мева, ғалла ва бошқа маҳсулотлар етиштириш режалари ортиғи билан бажарилаяпти. Олинаётган даромад ҳисобидан эса эҳтиёжманд одамлар ижтимоий муҳофазага олинган.***

# ВАХШИВОР:

## УНДА ЮТУҚ ҲАМ МУАММО ҲАМ БОР

Зарбдор маҳалласида икки мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Улар орасида кўп болали, касалманд, ногирон кишилар ҳам бор. Маҳалла оқсоқоли Парда Пиримқулов ширкат хўжалиги раҳбари ҳамда саховатпеша ҳомийлар билан яқин алоқа ўрнатган. Яқинда улар кўмагида маҳалладаги 20 нафар эҳтиёжманд оилаларга икки минг сўмдан пул, бир бошдан эчки, юз килограммдан ғалла мурувват ёрдами сифатида берилди. Тоғ шароитида маҳаллага қувур тортилди. Хонадонларга ичимлик суви олиб кирилди. Маҳалладаги мактаб ҳашар йўли билан таъмирланди.

Қишлоқ йиғинига қарашли икки маҳалла Вахшивор номи билан аталади. Ҳар иккала маҳалла аҳолиси олти минг кишидан ортиқ. Ҳозирда ҳудудда маҳалла гузари қурилиши қизғин давом эттирилаяпти.

Бундай ибратли ишларни Чинор маҳалласида ҳам кўриш мумкин. Оқсоқол Холмўмин Қурбоновнинг саъй-ҳаракати туфайли бу йил ички йўллардан бештаси тўла таъмирланди. Бу ишга юздан ортиқ киши жалб этилди. Биринчи гуруҳ ногирони Зулфин Тошбоеванинг тўрт хонали, иккинчи гуруҳ ногирони Улдона Қодированинг беш хонали уйи ҳам янгича қиёфага кирди.

Маҳаллада тадбиркорлар давраси анча кенг. Улар ободончиликка салмоқли улуш қўшмоқдалар. Муҳиддин Ўринов ҳамда Холтўра Каримовлар ҳамкорлигида Тўлали участкасида бунёд этилган маҳалла гузари одамлар мушкулини осон этмоқда. Улар 40-мактабни таъмирлашга ҳам анча маблағ сарфлашди. Ҳозир бу ерда маҳалланинг янги идора биноси, болалар ўйингоҳи, қишки спорт зали қурилиши давом эттириляпти.

Бироқ вахшиворликлар таъбини хира қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, тўққизта аҳоли пунктидан иборат катта қишлоқ аллақачон тўлиқ электрлаштирилган. Бироқ меҳнаткашлар электр қувватидан тўлиқ фойдалана олмаяптилар. Улар эрта тонгдан то кеч киргунча электр чироқларига кўз тикиб ўтирадилар, унинг ёнишини кутадилар.

Яна бир гап. Қишлоқ телефонлаштирилган. Демак, аҳолининг узоғи яқин, мушкули осон кечиши учун имконият яратилган. Лекин қишлоқда электр қуввати чеклангач, бу ерда ўрнатилган автомат телефон станцияси ҳам деярли бекор турибди. Бу айрим ҳолларда юз берадиган кўнгилсиз ҳодисаларнинг, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олишда муаммо туғдирмоқда. Туман маркази билан Вахшивор қишлоғи орасидаги йўл эса 40 километр. Қолаверса, қишлоқ ҳудуди ҳали газлаштирилгани йўқ.

— Ўн километрдан ортиқ ўрта босимдаги газ қувурлари тортишга катта миқдорда маблағ талаб қилинади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ашир Мамараҳимов. — Уни фуқаролар маблағи ҳисобидан амалга оширишнинг имкони йўқ. Бироқ паст босимдаги қувурларни тортишга ва хонадонларга газ ўтказишни пул билан таъминлашга одамларимиз рози. Ширкат хўжаликлари ҳам ҳомийлик қилишга тайёр.

— Суюлтирилган газ-чи, уни ёқишнинг иложи йўқми? — сўрадим ундан.

Суҳбатга Чинор маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Холмўмин Қурбонов аралашди.

— Иложи бор, бироқ қани ўша газ баллонлари?! Тоғ шароитида бу жуда қулай. Суюлтирилган газ билан таъминлашни сўраб туман газлаштириш идораси раҳбарларига кўп марта мурожаат қилганмиз. Афсуски, улардан акс-садо чиқмаяпти, натижа йўқ.

Қишлоқ аҳли туман автомобил йўллари идораси мутасаддилари фаолиятидан ҳам қониқмаяпти. Қишлоқ этагидан ўтган Ҳангарон сойидан тўлиб оққан сел йўлнинг бир қисмини жарликка айлантириб ташлаганини ҳамма яхши билади. Пиёдалар ҳам, транспорт воситалари ҳам қарийб юз метр йўлни четлаб ўтади. Бу воқеага уч йил тўлди. Уч баҳор, уч ёз ўтди. Куз келди. Олдинда эса қаҳратон қиш. Туман йўлсозлари эса ҳамон бепарволар...

## Олам турфа



### ҲАМ ГЎЗАЛЛИК, ҲАМ САЛОМАТЛИК

*Ҳозирги пайтда ҳамма гиподинамия — эрта қариш, касалланиш ҳақида ташвишланиб гапирмоқда.*

Шунинг учун ҳам дунёда югуриш, юриш, велосипед миниш ва шу каби серҳаракат воситалардан кенг фойдаланилмоқда. Буни тушуниб олган голландиялик бир сартарош ўзининг гўзаллик салонига тез-тез ташриф буюрадиган аёллар учун қизиқарли янгиликларни таклиф этди. Хонимлар фен-қалпоқлар остида ўтиришганда вақтларини бекор кетказмасликлари учун у ҳар бир кресло остига велосипед педалини ўрнатган. Бундан ҳам сартарошга, ҳам мижозга фойда. Мижозлар педални айлантириб, жисмоний машқ бажарсалар, сартарош кресло остидаги миттигенератордан қўшимча электр энергияси олади.

### ПИВО КЎПИГИ НУРЛАНИШГА ДАВО

*София шаҳридаги пиво пишириш саноати институти олимлари фавқулодда зўр ишга қўл урдилар.*

Улар нурланиш касаллигининг баъзи элементларини пиво кўпиги билан даволаш мумкинлигини айтмоқдалар. Ҳарбий-тиббий академиянинг радио-биология ва гематология кафедрасида олиб борилаётган тадқиқот ишлари бу соҳада умидвор бўлишга асос яратади.

### ЭГИЛУВЧИ ОЙНА

*“Инглиш архитектурал глайзинг” фирмаси синмайдиган жуда пишиқ ойна яратди.*

У ҳатто қаттиқ портлашларгаям бардошли, эгилса эгилиб-букиладики, аммо синмайди ва яна аввалги текис ҳолатига келаверади. Бу ойна кўринишдан худди полиэтилен плёнкага ўхшайди, бироқ тиниқлиги одатдаги ойнадек.

### СУНЪИЙ ЎРГИМЧАК ИПИ

*Япониянинг “Качебо” фирмаси ўргимчак ипидан тўрт марта ингичка бўлган сунъий тола яратди.*

Бу толанинг Ердан Ойгача бўлган масофага етадиганининг оғирлиги атиги 5 кило келади. Агар бу масофа жарроҳликдаги тикиш ишларида қўлланиладиган ип билан ўлчанса, 10 тонна бўларкан.

**М.ИСЛОМОВА**
**тайёрлади.**

Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги олдидан

# ҲАҚҚА ЕТАКЛАГАН ЗОТ

**Барот БОЙҚОБИЛОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти соҳиби.**
**Ориф УСМОН, филология фанлари доктори, профессор.**

***Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийнинг ахлоқий қарашлари, умуман Нақшбандия таълимотидаги илғор, умуминсоний ахлоқий ғоялар — Ислом дини аҳкоми доирасида шаклланган ҳамда ул табаррук зот яшаган давр талабларига мувофиқ ривожланиб, инкишоф топгандир. Унинг болаликдаги ҳаёти билан боғлиқ бўлган бир воқеа жуда эътиборга моликдир. Болалик пайтида анча заиф ва касалманд бўлган Убайдуллоҳ тушида Ҳазрати Қаффол ал-Шошийнинг Тошкентдаги муборак қабрини зиёрат қилади ва зиёрат пайтида Ҳазрати Исо (а.с.)ни кўради, Исо (а.с.) унга дейди: “Бўтам, энди сен парво қилма, сенинг тарбиянг билан ўзимиз шуғулланамиз, сенга энди шундай валоят насиб қиладики, сен бундан буён ўлик қалбларни тирилтириш қобилиятига ноил бўлурсен”. “Шундан сўнг, — деб ҳикоя қиладилар Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий, — кунба-кун, соатба-соат бақувват бўла бордим. Ўша вақт ҳазрати Қаффол Шошийнинг тушимдаги ишоралари ила Тошкентдаги Ҳазрати Шайх Хованди Таҳурнинг муборак қабрларини ҳам зиёрат қилдим. Шундай қилиб, мендаги заифлик ва қўрқув кайфияти мутлақо йўқолди ва мен бақувват, жасур ва дадил бўлиб улғайиб бордим”.***

Бизга маълумки, Шош шаҳрида яшаб ўтган ва ҳоки поклари бул муқаддас масканда ҳали ҳам сақланиб келаётган ул улуғ зотларнинг биринчиси — Ҳазрати Абу Бакр Қаффол аш-Шоший ота томонидан, иккинчиси Ҳазрати Шайх Хованди Таҳур эса она томонидан Хожа Аҳрор Валийнинг боболари бўлганлар. Демак, бобокалонлари бўлмиш иккала буюк зот ҳазрати Хожа Аҳрор Валийга болалик пайтданоқ лутф ва файзу неъмат кўрсатиб, уни қўллаб-қувватлаган эканлар. Қизиғи шундаки, Қаффол аш-Шошийнинг муборак қабри тепасида тушида намоён бўлган Исо (а.с.)нинг фазлу неъматидан сўнг Хожа Аҳрор Валийда ҳақиқатан ҳам мурда қалбларни зинда қилиш (тирилтириш) қобилияти пайдо бўлади. Ҳазрати Хожанинг ўз иборалари билан айтадиган бўлсак, молдунёга ўта ҳирс қўйган, бойлик орттирмоқ учун муккасидан кетган, мансаб ва амал учун ҳаттоки ўз жонларини таслим этмоққа тайёр турувчи, ҳақиқий инсоний қиёфасини йўқотган, “ўлик” одамларнинг “ўлик” қалбларини қайтадан эҳё қилиш, тирилтириш қобилияти Ҳазрати Хожада пайдо бўлади. Ўшандай тирик ўлик (мурда) одамларга Хожа Аҳрор Валийнинг пок ва пурқудрат назарлари тушса, у “мурдақалб” кишилар бузургвор Хожага ихлос қўйиб, ул буюк зотга мурид бўлиб, пок иршодотлари ила ул бузургвор зотнинг файз-неъматлари билан “қайтадан тирилар” ва ҳақиқий Инсон қиёфасини қайтадан ҳосил этар эканлар. Мана бу нарса ҳам, назаримизда, тасаввуфдаги Инсон такомили ва ҳақиқий инсоний ахлоқ, пок ахлоқ масаласидир.

Хожа Аҳрор Валийнинг ахлоқий қарашлари ҳақида гапирганда, унинг замондоши, Нақшбандия тариқатига мўътақид бўлган буюк бобокалон шоиримиз, забардаст мутафаккир Ҳазрати Алишер Навоийнинг Хожа Аҳрор Валий ҳақидаги фикрлари ҳам ғоятда эътиборга моликдир. Навоий ҳазратлари ўзларининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида бошқа форсийзабон ва туркийзабон мутасаввуф донишмандлар ҳаётлари ва фаолиятлари тўғрисида қимматбаҳо маълумотлар берар эканлар, Хожа Аҳрор Валий, унинг таваллуд топган жойи, аждодлари ва устозлари ҳақида қуйидагича ёзадилар: **“Хожа Носируддин Убайдуллоҳ — ...аларнинг мавлиди Тошканддур ва оталари дарвеш сифат киши эрмиш ва она тарафидин ҳамоноки, Шайхи Таҳурки, ул вилоятда мутаъаййин шайх эрмиш.**

**...Йигит бўлғондин сўнграким, саёҳатга қадам қўюбдурлар, кўп машойих ва авлиё хизматига етиб, суҳбатларига мушарраф бўлубтурлар. Хуросон машойихларидин Ҳазрати Мир Сайид Қосим Анвор хизматларига етибтурлар ва Шайх Баҳовуддин Умар мулозиматиға мушарраф бўлубтурлар ва Мавлоно Муҳаммад Асад ва Мавлоно Саъдуддин Қошғарий била суҳбат тутубтурлар ва Мовароуннаҳр машойихларидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозиматиға етибтурлар ва Хожа Абу Наср суҳбатиға етибтурлар ва Мавлоно Низомуддин Хомуш била суҳбат тутубтурлар. Мавлоно Яъқуб Чархийдин иршодотлар ва тарбиятлар топибтурлар”.**

Хожамизнинг одамийлигини, одамшинавандалигини, инсонпарварлигини ҳамда камтарлигини белгилаб турувчи ул Ҳазратнинг мана бу қимматбаҳо фикрларини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз: “Агар бирор кимса фойдали гап айтса, агар у душманим бўлса ҳам, унинг келишини кутиб ўтирмасдан, мен ўзим унинг олдига бораман”. “Аллоҳга яқинлашиш учун, — деб Хожамиз марҳамат қилганлар, — одамлардан ажралиб яшаш эмас, балки одамлар орасида, улар учун савобли ишлар қилиб яшаш керак. Агар Ҳаққа етишмакнинг ўнта қоидаси бўлса, шуларнинг бири иймон, қолган тўққизтаси кишиларга савоб ишлар қилиб яшашдир”.

Хожа Аҳрор Валийнинг муборак қаламларига мансуб бўлган мана бу байтларга қулоқ солайлик:

**“Дар Нанай дар фасли дай ангур пухт, мо ҳурдагим,**
**Дар тамуз оби Фараҳ ях баста, мо гузаштагим”.**
**(Нанайда дай (қиш чилласи)**
**фаслида узум пишган, биз еганмиз,**
**Тамузда (ёз чилласи)**
**Чирчиқ сувин ях боғлаган, биз ўтганмиз).**

Юқоридаги шеърий парчадан Хожа Аҳрор Валийнинг шеъртаб, шеър ёзишга қодир, бағоят истеъдодли инсон бўлганлари ҳамда буюк каромат кўрсатиш қобилиятига эга бўлган мутасаввуф донишманд эканликларидан воқиф бўламиз.

Унинг мана бу байтлари эса ҳаммамиз учун вирдизабон бўлишга арзийдиган, ул Ҳазратнинг доноликни, донишмандликни ғоятда қадрлаган, аҳмоқликни ва аҳмоқларни қаттиқ қоралаган, лаънатлаган ажойиб ахлоқий фикрларни баён этувчи қимматбаҳо дурмонанд шеърий сатрлар ҳисобланади:

**“Зи-аҳмақон бигуриз, чу Исо гурехт,**
**Суҳбате аҳмақ басе хунҳо бирехт”.**
**(Аҳмоқлар наздидан Исо қочгандек қоч,**
**Аҳмоқлар билан суҳбат сени дилхун этади).**

“Рашоҳот айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан оққан томчилар”) сингари бир қанча асарларда таъкидлаб ёзилишича, Ҳазрати Хожа Аҳрор Валий тўқсон йиллик умрлари жараёнида ўзларининг жуда кўп нутқ, ваъз ва баёнияларида ўзларидан олдин ўтган забардаст мутасаввуф шоирларнинг айрим рубоийларидан ҳамда байтларидан унумли фойдаланган. Шайх уш-шуйух Нажмуддин ал-Кубро ал-Хивақийнинг забардаст шогирдларидан бири бўлмиш Шайх Саъдудин Ҳамувийнинг қаламига мансуб бўлган мана бу рубоий Хожа Аҳрор Валий томонидан доимо севиб ўқилар ҳамда шогирду мусоҳибларига ҳамиша эринмай уқтирилар экан:

**“Онам ки жаҳон чу ҳуққа дар мушти ман аст,**
**В-ин қуввати Ҳақ зи қуввати пушти ман аст.**
**В-ин кавну макон на ҳар чи дар олам аст,**
**Дар қабзаи қудрати ду ангушти ман аст”.**

**(Бу кенг жаҳон ҳуққа каби менинг муштимда,**
**Ва қуввати Ҳақ мавжуддир менинг пуштимда.**
**Кавну макон ва оламда мавжуд ҳама шай**
**Жамулжамдур қудратимда, қўш ангуштимда).**

Улуғ мутасаввуф шоир Фаридуддин Атторнинг мана бу мусиқадек жарангдор, дур каби ноёб ва беназир байтини ҳам бузургвор Хожамиз ҳамиша муборак нутқларида севиб ишлатар эканлар:

**“Дил зи пургуфтан бимирад бор бадан,**
**Гарчи гуфторат бувад дурри Адан”.**
**(Сергапликдан дил ўлади дар бадан,**
**Гарчи гуфторинг бўлсун дурри Адан)**

Хожа Аҳрор Валий инсонларни огоҳлантириб деганларким: “Азизлар! Гарчи сўзларингиз Адан жавоҳиридек қимматбаҳо бўлганида ҳам, кўп гапирманглар, сергап ва эзма бўлманглар! Чунки сергаплик, кўп гапириш билан кишининг баданидаги нозик дилни ўлдириб қўйишингиз мумкин, одамнинг кўнглини сўндиришингиз мумкин”.

Унинг юқоридаги дурри Адандек қимматбаҳо, ноёб жавоҳирмонанд ахлоқий фикри, пок ва мусаффо илоҳий ҳикмати ҳозир бизлар учун, келажак авлодларимиз учун ҳам нақадар муҳим, нақадар долзарб, нақадар ибратомуз!

